

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ШОДИЕВ НУРАЛИ ОЧИЛОВИЧ

**СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОВИЙ
ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УЎК: 323.21(575.1)

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по политическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
political sciences**

Шодиев Нурали Очилович

Сиёсий модернизация жараёнида фуқаровий фаолликни ошириш
механизмларини такомиллаштириш.....3

Шодиев Нурали Очилович

Совершенствование механизмов усиления гражданской активности в
процессе политической модернизации.....21

Shodiev Nurali Ochilovich

Improvement of mechanisms for increasing civil activism in the process of
political modernization.....37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....41

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ШОДИЕВ НУРАЛИ ОЧИЛОВИЧ

**СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОВИЙ
ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Siyos60 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ва “Ziyonet” ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жалилов Ақтам Ташназарович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жўраев Нарзулла Қосимович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Ғойибназаров Шўҳрат Ғойибназарович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “__” _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси. 5-қават, 511-хона Тел.: (71) 227-12-24;; факс: (71) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (71) 246-67-71; факс.: (71) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2020 йил “__” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “__” _____ даги __ реестр баённомаси)

Ш.И.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

О.Р.Мусаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д. (DSc).

Б.Т.Тўйчиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати: Жаҳонда демократлаштириш жараёнларининг муваффақияти жамият ҳаётига дахлдор қарор ва дастурларнинг қабул қилинишида, инновацион ташаббуслар, жамоатчилик назорати, шаҳарсозликни ривожлантиришда фуқароларнинг юқори даражадаги иштироки билан белгиланмоқда. Халқаро амалиётда ривожланган мамлакатларнинг тараққиёт стратегияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилинишида фуқаролар ташаббусига катта аҳамият берилмоқда. Шу боисдан модернизация жараёнларида давлат ва фуқаролик жамиятининг бир-бирига таъсирини таҳлил қилувчи, шунингдек, мазкур субъектларнинг ўзаро муносабатларига доир оптимал механизмларни кўрсатиб берувчи ва уларни замонавий талаблар асосида такомиллаштириб боришга қаратилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ошиб бормоқда.

Дунёда сиёсий фанлар доирасида демократик ислохотлар жараёнида фуқароларнинг жамиятдаги масъулиятини ошириш, уларнинг сиёсий жараёнларга таъсири механизмларини белгилаш ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг давлат бошқарувидаги ролини кучайтиришга қаратилган тадқиқотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Мазкур тадқиқотлар сиёсий тизимга хос бўлган давлат ҳокимияти ва демократик институтлар ўртасидаги зиддиятларга оид муаммоларни ҳал этишга, шунингдек, давлат ҳокимияти функцияларини фуқаролар манфаатларини таъминлаш нуқтаи назаридан оптималлаштириш, жамиятда фуқароларнинг сиёсий партияларга аъзо бўлиш, нодавлат институтларга уюшиш ва ҳукуматга таъсир кўрсатиш имкониятларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ҳам сиёсий модернизациялаш борасидаги илмий изланишлар, сиёсий жараёнларда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш масалалари бўйича тадқиқотлар олиб борилган. “Мамлакатимизда фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид чора-тадбирлар доирасида сиёсий модернизация жараёнида фуқаролар фаоллигини қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш ва фуқаровий фаолликни ошириш механизмларини такомиллаштириш”¹ вазибалари белгиланган. Шу жиҳатдан мамлакатимизда сиёсий модернизация жараёнларида фуқаролар фаоллигини ошириш механизмларини такомиллаштириш масалалари долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 4 майдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 04.10.2019. <http://lex.uz/docs/4538242>

“Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5430-сон фармонларида, 2019 йил 4 октябрдаги “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4473-сон, 2019 йил 30 октябрдаги “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4501-сон Қарорлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастури устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жамиятни модернизациялашда фуқаровий фаолликнинг ривожини мавзусига оид тадқиқот бўлмаса-да, сиёсий модернизациянинг, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий-демократик давлатнинг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилишига оид масалалар юнон файласуфлари – Афлотун, Арасту, Перикл, Шарқда –Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий асарларида, Ғарбда – Гегель, А.де Токвил, К.Маркс, М.Вебер, Р.Патнем (R. Putnam), Г.Алмонд, Д.Аптер, Р.Арон, Ш.Айзенштадт, С.Хантингтонларнинг асарларида ёритилган.

Россиялик тадқиқотчилар Л.М. Семенов, М. Олсон, Д.В. Артюхович, М.С.Круглов Е.А.Савельева ўз тадқиқотларида фуқаровий фаолликнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда сиёсий жараёнларга таъсирини ўрганишган.

Сиёсий модернизация жараёни, сиёсий ва бошқарув қарорлари қабул қилишда фуқаролар иштирокини ошириш, давлат бошқаруви органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, мамлакат сиёсий тизимини фуқаролик жамияти меъёрларига мослаштириш, фуқаролик жамияти концепцияси, фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий тамойиллари ва фуқаровий фаолликнинг шаклланиши ва ривожланишига доир тадқиқотларга: А.Қодиров, Ш.Пахрутдинов, Н.Жўраев, И.Эргашев, Ш.Ғойибназаров, У.Идилов, Б.Тўйчиев, А.Рахмонов, Ж.Мавлонов, М.Қирғизбоев, А.Жалилов, В.Қўчқоров, Ҳ.Аҳмедов, Н.Қалқонов, Д.Эрназаров, Ш.Отақулов, С.Саидов каби олим ва тадқиқотчиларнинг илмий изланишларини киритиш мумкин.

Фуқаровий фаоллик сиёсий модернизация жараёнларининг

жадаллашувида муҳим омиллардан ҳисобланади. Шунинг учун давлат бошқаруви органлари фуқароларда фуқаровийлик, фуқаровий онг, фуқаровий масъулият каби кадриятларни қўллаб-қувватлашга масъулдирлар.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, «Ўзбекистонда давлат хизмати тизимини ривожлантириш истиқболлари ҳамда давлат хизматчиларини тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишни тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги давлат амалий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади фуқаровий фаолликнинг шаклланиши ва намоён бўлишини таҳлил қилиш асосида сиёсий модернизация жараёнида фуқаровий фаолликни ошириш механизмларини кўрсатиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“фуқаровий фаоллик” тушунчасига доир сиёсий қарашлар, назариялар ва фикрларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, тизимлаштириш;

фуқаровий фаолликни тадқиқ этишда ижтимоий-сиёсий фанлар кесимида мавжуд назарий-методологик ёндашувларни таҳлил қилиш;

фуқаровий фаолликнинг тузилишини аниқлаш ва унинг асосий шакллари тадқиқ этиш;

фуқаровий фаолликнинг сиёсий фаоллик билан ўзаро фарқланишини таҳлил қилиш;

фуқароларни фуқаровий ҳаракатларга ундовчи асосий омилларни тадқиқ этиш, бу орқали фуқаровий фаолликнинг замонавий шакллари хос хусусиятларни аниқлаш ва ўрганиш;

сиёсий модернизация жараёнида фуқаровий фаолликнинг намоён бўлиш табиатини аниқлаш ва замонавий хусусиятларини таҳлил қилиш.

айрим ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси ва миллий тажриба асосида мамлакатимизда фуқаровий фаолликни ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини сиёсий модернизация жараёнида фуқаровий фаолликни ошириш механизмлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сиёсий модернизация жараёнида фуқаровий фаолликнинг шаклланиши, намоён бўлиш омиллари, бошқичлари, замонавий хусусиятлари, фуқаровий фаолликни ошириш механизмларининг шакллари ва йўналишлари хизмат қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда ижтимоий фанлар, хусусан, сиёсий фанлар учун умумий бўлган тизимли таҳлил, тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижтимоий тармоқлардаги фуқаровий фаолликнинг таснифи замонавий фаоллик шакллари (хукумат ва мансабдорлар билан онлайн мулоқот, давлат бошқаруви органлари ва мутасаддилар фаолияти устидан жамоатчилик назорати, ижтимоий муаммолар муҳокамаси, форумлар ташкил этиш, эълон қилинган постларга муносабат билдириш, хабарларни бошқаларга улашиш, хайрия ишларини ташкил қилиш) таркибини белгилаш асосида кўрсатиб берилган;

давлат бошқаруви органлари ва жамият ўртасидаги ҳамкорликни таъминловчи механизмлар мавжуд бўлмаган ёки фаолиятсиз бўлган тақдирда ноинституционал фуқаровий фаолликнинг юзага келиши якка тартибдаги ва гуруҳ шаклидаги оммавий таъсирчан фаоллик субъектлари фаолияти таҳлили асосида очиб берилган;

фуқаролар фаоллигининг жамиятдаги иерархик тизими маҳаллий даражадаги (қишлоқ-маҳалла, туман-шаҳар ва вилоят-шаҳар босқичлари) босқичларни белгилаш орқали асослаб берилган;

“Интернет ҳамжамиятлар”нинг фуқаровий фаолликни ривожлантирувчи янги институт сифатида шаклланаётгани фуқароларнинг Интернет тармоқлари воситасида жамиятдаги ислохотларга таъсир кўрсатиш даражаси ортаётганини аниқлаш орқали илмий асосланган;

давлат бошқарувини модернизациялаш ва либераллаштириш жараёнида фуқаровий фаолликни оширишнинг замонавий механизмлари жамиятда замонавий фуқаровий маданиятни шакллантириш, ижтимоий меъёрларни ҳимояловчи нодавлат институтларни кучайтириш ва электрон майдонни кенгайтиришни белгилаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, амалий таклифлар, тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

фуқаровий фаолликни ошириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш, фуқаролар фаоллигини ошириш орқали жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқилган;

фуқароларнинг ижтимоий тармоқлардаги фаоллигини тараққиёт мақсадларига йўналтирган ҳолда расмий виртуал жамоатчилик назорати тизимини шакллантириш усул ва механизмлари ривожлантирилган;

фуқаролик жамияти ривожига чинакам фуқаролик мезонларини аниқлаш ва фуқаровий маданиятни оширишда, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ижтимоий шерикликни ривожлантириш йўллари очиб

берилган;

ҳудудларда фуқаролар фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда ишлаш, ёшлар ўртасида жиноятчиликни камайтириш, мамлакатда ёшлар салоҳияти ва истиқболлини белгилаш, истиқболли кадрларни тайёрлаш механизми кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фуқароларда фуқаровий хусусиятларни қарор топтиришда, уларнинг фуқаровий фаоллигини ривожлантиришда, давлат ва жамият бошқарувида фуқаролар фаоллигини оширишда, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларни самарали амалга оширишда ҳамда “Фуқаролик жамияти асослари”, “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш асослари” каби фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланишда намоён бўлади. Диссертацияда таҳлил этилган қоидалар, чиқарилган ҳулосалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан ушбу муаммога доир илмий тадқиқотлар ўтказишда, амалдаги миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, шунингдек, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнида ўрганилган муаммога оид ўқув адабиётларини тайёрлаш ва ўқув жараёнини ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фуқаролик жамиятини ривожлантиришда, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштиришда, таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланилишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнида фуқаровий фаолликни ошириш механизmlарини такомиллаштириш доирасида ишлаб чиқилган илмий-назарий ҳулоса ва таклифлар асосида қуйидагиларга эришилди:

мамлакатимизда фуқаролар фаоллиги ва уларнинг ижтимоий воқеликларга бeфapқ бўлмаслиги фуқаролик жамиятининг ва сиёсий жараёнларнинг негизида турувчи муҳим ижтимоий омил эканлиги, давлат бошқаруви органлари ва жамият ўртасидаги ҳамкорликни таъминловчи механизмлар мавжуд бўлмаган ёки фаолиятсиз бўлган тақдирда, оммавий таъсирчан яққа ёки гуруҳ шаклидаги ноинституционал фуқаровий фаоллик даражасининг ортиши ҳақидаги ҳулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида тугалланган грант бўйича илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг 2019 йил 11 сентябрдаги 03/1748-сон маълумотномаси). Натижада, “Фуқаролик жамияти асослари” ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган ва Академияда тингловчиларнинг фуқаролик жамияти бўйича билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилган;

мамлакатда фуқаровий фаолликни ривожлантирувчи янги институт сифатида “Интернет ҳамжамиятлар”нинг шаклланаётганига доир ва

ахборот-коммуникацион тармоқлардаги фуқаровий фаолликнинг (хукумат ва мансабдорлар билан онлайн мулоқот, давлат бошқаруви органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати, муайян ижтимоий муаммоларни муҳокама қилиш, форумлар ташкил этиш, эълон қилинган постларга муносабат билдириш ва ҳамфикрларнинг хабарларини бошқаларга улашиш, хайрия ишларини ташкил қилиш) турларга таснифланишига доир хулосаларидан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг «Йўл харита»лари ва сайловолди дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2019 йил 11 ноябрдаги 01/721-сон маълумотномаси). Мазкур илмий хулосалар партиянинг сайловга тайёргарлик кўриши билан боғлиқ жараёнларнинг жонланишига катта ҳисса қўшган;

Ўзбекистонда фуқаролар фаоллигининг маҳаллий даражадаги иерархик босқичлари (қишлоқ-маҳалла, туман-шаҳар ва вилоят-шаҳар босқичлари) фуқаровий фаоллик сиёсий жараёнларнинг негизида турувчи, уларни жадаллаштирувчи муҳим ижтимоий омил эканлигига оид, давлат бошқарувини модернизациялаш ва либераллаштириш жараёнида фуқаровий фаолликни оширишнинг анъанавий ва замонавий механизмларига доир ишлаб чиқилган илмий таклиф ва тавсиялардан Самарқанд вилояти ҳокимлигининг ҳудуд даражасидаги давлат мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2018 йил 31 октябрдаги 07-07/2071-сонли маълумотномаси). Натижада, вилоятда жамоатчилик назоратини кучайтириш, маҳаллий бошқарувда фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий конференция материаллари ҳамда давра суҳбатларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган. Шундан ОАК томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 8 та (7 та республика ва 1 та хорижий журналларда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг

асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилинганлиги, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сиёсий модернизация ва фуқаровий фаолликни ўрганишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида “сиёсий модернизация” тушунчасининг мазмуни ва моҳияти, унинг эволюцияси, моделлари ўрганилган, бу борадаги тадқиқотлар таҳлил қилинган. Шунингдек, “фуқаровий фаоллик” тушунчасининг моҳияти ва мазмуни очиқ берилган. Ушбу бобда фуқаровий фаолликни ўрганишдаги методологик ёндашувлар ҳамда “фуқаровий фаоллик” ва “сиёсий фаоллик” тушунчаларининг ўзаро фарқланиши ва намоён бўлиш хусусиятлари таҳлил қилинган.

Сиёсий модернизация жараёнида фуқаровий фаоллик сиёсатшунослик нуқтаи назаридан тарихий ёндашув асосида ўрганиш тақозо этилади. Анъанавий ёндашувга кўра, фуқаровий фаоллик тарихий жараёнлар асосида ўрганилган. Жамиятдаги масалаларни ва ишларни биргаликда ҳал қилишнинг дастлабки кўникмалари ибтидоий шароитда ва ҳарбий демократияда шаклланиган. Фуқаровий фаолликнинг давлат бошқарувида, жамият аҳамиятига молик сиёсий қарорлар қабул қилишдаги таъсирини ва жамиятнинг ўзи ўзини бошқаришдаги аҳамиятини қонуният асосида ўрганиш лозим бўлади.

Фуқаровий фаоллик инсоннинг шахс сифатидаги етуклиги позициясидан туриб талқин этилиши керак бўлиб, бу ҳолат психологик, интеллектуал, маънавий, ҳуқуқий, фуқаровий жиҳатдан етукликни назарда тутди. Шу маънода “фуқаровий фаоллик” тушунчасини таърифлаш замонавий сиёсат жараёнида шахснинг ҳаракат субъекти сифатида иштирок этишини очиқ бериш имконини беради.

“Фуқаровий фаоллик” фанга инсон ўз моҳиятини тушуниш орқали имкониятларини қай даражада ошириш мумкинлиги тўғрисидаги тушунча сифатида кириб келган. Мазкур ижтимоий фаолиятнинг мазмуни ўрганилиб, фаоллик онгли равишда қилинган мақсад ва социал мотив орқали келиб чиқиши аниқланган. Фуқаровий фаолликни шакллантириш демократик давлатларнинг фундаментал вазифаси бўлиб, у фуқаролар турмуш фаровонлиги даражасининг энг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Фуқаровий фаоллик шахснинг фуқаролик жамиятининг тўлақонли аъзоси ва субъекти сифатидаги ўз-ўзини намоён этиш шаклидир. У ижтимоий ислохотларда, иқтисодий, сиёсий, социал ва бошқа ҳуқуқ ҳамда манфаатлар ҳимояси ва кенгайтишида, жамият ва унинг институтлари

бутунлигини сақлаш кабиларда намоён бўлади.

Фуқароларнинг шахсий сиёсий ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоялаш соҳасида фуқаровий фаоллик замонавий сиёсий демократик жараёнларнинг энг муҳим шарт ҳисобланади. Бу унинг сиёсий йўналишга эга жиҳатларининг роли тобора ортиб бораётгани билан изоҳланади.

Замонавий жамиятнинг сиёсий соҳасида фуқаровий фаоллик акторлари сифатида нафақат фуқаролар ва уларнинг ҳуқуқлари, балки носий, нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчилик, ижтимоий тармоқлар, блоглар, форумлар, маслаҳат органлари бошқалар – ҳокимият вакиллари билан бирга, фуқаролик жамияти институтлари замонавий, сиёсий демократик жараёнларнинг таъсирчан субъекти нуфузига эга бўлиши асослаб берилган.

Фуқаровий фаолликнинг сиёсий фаолликдан асосий фарқи шундаки, у ҳокимият учун кураш, ҳокимиятни сақлаб туришга йўналтирилмаган, фуқаровий фаоллик субъектлари сиёсий акторлари билан рақобатга киришмайди. Шундай бўлса-да, фуқаровий фаоллик сиёсатнинг ўта муҳим элементи ҳисобланади, у – жамият ва ҳокимият муносабатлари элементидир. Фуқаровий фаоллик сиёсий фаолликнинг асоси, бошланғич фазаси бўлиб хизмат қилади. Ундан сиёсий фаолиятнинг мустақил субъектлари етишиб чиқиши таҳлил қилинган.

Фуқаровий фаоллик сиёсий фаолликнинг асоси эканлиги исботи сифатида сиёсий жараёнлар генезиси ва трансформацияси таҳлили келтирилган. Унга кўра, фуқаролик жамиятини барпо этишнинг дастлабки даврида турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг интеграциялашуви жараёнлари, унга ижобий таъсир кўрсатган мулкдорлар қатламининг шаклланиб бориши билан гуруҳий сиёсий манфаатларни сиёсий кенгликларда ифодалаш зарурияти туғилди. Диссертант томонидан шу сиёсий манфаатлар замонавий сиёсий партиялар, сиёсий клуб ва уюшмалар каби ташкилотларнинг шаклланишини тақозо этганлиги таъкидланган.

Ўзбекистонда фуқароларнинг экология соҳасидаги манфаатларини умумлаштириб, ўз фаолиятини экологик ҳаракат сифатида бошлаган ташкилот, бугунга келиб сиёсий кучга айланганлиги ва Ўзбекистон Экологик партияси вужудга келганлиги ҳам асос сифатида кўрсатилган.

Тадқиқотда Ўзбекистонда фуқаровий фаолликнинг намоён бўлиши ва ривожланиши динамикаси кўрсатиб берилган. Унда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгунча бўлган даврдаги фуқаровий фаолликнинг нисбий ҳолати, мутсақилликка эришилгандан кейин 2016 йилгача бўлган даврда ва Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичидаги фуқаровий фаоллик намоён бўлаётган жараёнлар ифодаланган.

Фуқаровий фаолликнинг барча шакллари мамлакатда ижтимоий капиталнинг ортишига олиб келади. У давлат ва жамиятнинг ҳамоҳанг ривожланишини таъминлайди. Фуқаровий фаоллик билан шуғулланадиган ёшлар бир вақтнинг ўзида ижтимоий капиталнинг турли шакллари ҳам ривожлантиради.

Фуқаровий фаоллик фуқароларнинг умумий қизиқишлари, институтлар ва тармоқлар орқали муҳокама ва жамоавий ишлар учун бирлашиши, фуқаровий тенглик сиёсий жараёнларга катта таъсир кўрсатиши илмий таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Жамиятни модернизациялашда фуқаровий фаолликнинг шаклланиши»** деб номланган иккинчи бобда сиёсий модернизациялаш жараёнида фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бўлган фуқаровий фаолликнинг намоён бўлиш омиллари, шакллари ва кўринишлари, шунингдек, замонавий сиёсий коммуникация тармоқларида фуқаровий фаолликнинг намоён бўлиши ёритилган.

Тадқиқотда фуқаровий фаоллик оммавий характерга эга бўлиши ва бир неча турдаги институционал тармоқларга бўлиниши тадқиқ қилинган.

Сиёсатшуносликда хулқ-атвор методининг қўлланилиши бежиз бўлмасдан, бу сиёсатнинг ижтимоий ҳодиса сифатида, аввало, индивидуал ўлчовдан келиб чиқишига асосланади. Шунинг учун ҳам сиёсат индивидлар фаолиятининг барча гуруҳли шакллари айнан гуруҳ алоқалари билан боғланган индивидларнинг ахлоқи таҳлилидан бошлайди. Бу хилдаги ёндашувга асосан, сиёсатда иштирок этишнинг етакчи мотиви психологик мўлжал ҳисобланади. Шунинг учун фуқаровий фаолликни намоён бўлиши шахснинг психологик табиатининг таҳлилидан бошлаган.

Ушбу бобда фуқароларнинг сиёсий модернизация жараёнидаги иштироки зарурати, фуқаровий фаолликни шахс психологияси, ички оламининг ўзгаришлари, унинг турли ташқи омиллар таъсирида шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари таҳлил қилинган. Фуқаровий фаолликнинг шахснинг маълум бир эҳтиёжлар ва манфаатларига қаратилган ички интилишлари, ҳаракатлари оқибатида шаклланиши, бу билан шахс нафақат ўзининг ички дунёсини ўзгартириш, балки бутун бир жамиятни ўзгартириш имконига эга бўлиши илмий асосланган.

Фуқаровий фаолликнинг объектив мезонлардан бири – манфаат ҳисобланар экан, фаолликнинг шакллари билан бири – манфаат йўлидаги фуқаровий фаоллик ажратиб кўрсатилган. Шунингдек, ҳар қандай жамиятда, барча даврларда ҳақиқий фуқаровийлик хусусиятларига эга ва фидокорлик намунаси бўлган шахслар мавжуд бўлган. Шахсий ёки жамоавий манфаатлардан ташқари, фаолликнинг турли шакллари амалга оширишга одамларни адолат ва эркинлик ғоялари ундайди. Шундан келиб чиқиб, мазкур бобда адолат йўлидаги фуқаровий фаоллик шакли ҳам таҳлил қилинган.

Шахснинг сиёсий ҳаётга жалб этилишининг даражаси ва характери унинг учун бевосита аҳамият касб этгани сабаблар ва иштирок этиш омиллари билан аниқланади. Иштирок этиш омиллари ниҳоятда турлитуман бўлиб, улар индивидларнинг сиёсий ҳаётда ўйнайдиган ролларига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Диссертацияда фуқаролар ўз сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини талаб

қилиши ҳамда амалга ошириши соҳасида ташкилий ва ташаббускорлик каби омилларнинг ўзаро мувофиқлиги характериға қараб, фуқаровий фаолликнинг институционал ва ноинституционал шакллари таҳлил қилинган. Фуқаровий фаолликнинг институционал шакллари: сиёсий жараёнларнинг субъектлари ҳисобланган сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар, касаба уюшмалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ресурсларидан фойдаланилади.

Фуқаровий фаолликнинг шакллари, кўринишлари, замонавий сиёсий модернизация жараёнида фуқаровий фаолликнинг шаклланишиға таъсир ўтказувчи ички ва ташқи омиллар батафсил ўрганилган. Мазкур феномен фанлараро тадқиқот объекти сифатида айнан сиёсий фанлардаги аҳамияти нуқтаи назаридан очиб берилган.

Фуқаровий фаолликнинг ноинституционал шакллариға келганда аниқ расмий кўринишлар ва шакллар кузатилмайди. Аммо замонавий шарт-шароитларда айнан фуқаровий фаолликнинг ноинституционал шакллари сиёсий фаолликнинг катта қисмини намоён этаётгани кўрсатиб берилди.

Хукумат ва жамият ўртасидаги ҳамкорликни амалга оширувчи механизмлар бўлмаган тақдирда ноинституционал фуқаровий фаоллик даражаси ва унинг ноинституционал шакллари ривожланади. Айниқса, ёшлар орасида бу жараённинг янада фаол ривожланиши кузатилади. Фуқаровий фаолликнинг ноинституционал шакллари ўсишининг олдини олиш учун давлат хукумат ҳамда аҳоли ўртасидаги ижтимоий шерикликни ривожлантиришға қаратилган турли дастурлар, лойиҳаларни ишға солиш ташаббуси билан чиқади.

Интернет ҳамжамиятлари интерактив тарзда яққол намоён бўлиш хусусиятиға эға бўлиб, турли хил гуруҳлар, блоглар, муҳокамалар учун майдонлар яратишнинг қулай ва самарали воситаси саналади. Улар давлатдан мустақил равишда мулоқот каналларини яратиш имкониятини кўпайтиради, сиёсий дахлдорликнинг янги механизмларини шакллантиради, ўз позициясини фуқаролар томонидан намоён этишнинг янги усуллари пайдо бўлишиға ёрдам беради.

Интернет ҳамжамиятларининг очиклик, фойдаланиш, ахборотдан фойдаланиш ва тезкор узатиш, кечаётган вақт ичида жавоб қайтариш имконияти, иштирокчиларнинг эркин ва мустақил бўлиши, юқори ҳаракатланувчи салоҳияти каби хусусиятлари, шубҳасиз, сиёсий мулоқотни демократлаштиради ва Интернетни ижтимоий жихатдан долзарб муаммоларни муҳокама этиш учун майдонға айлантираётгани таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Сиёсий модернизация жараёнида фуқаровий фаолликни ошириш истиқболлари”** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистондаги сиёсий модернизация жараёнларида фуқаровий фаолликнинг шаклланиши учун яратилган шарт-шароитлар ва сиёсий ислохотлар моҳияти, шунингдек, Ўзбекистонда сиёсий модернизациялаш

жараёнининг янги босқичи хусусиятлари таҳлил этилган. Фуқаровий фаолликни оширишнинг замонавий усул ва услублари, механизмлари ўрганилган ва мавжуд шарт-шароит ҳамда бугунги талаблар нуктаи назаридан янгича йўналишлари кўрсатиб берилган.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланишида муҳим саналган фуқаровий фаолликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий замини такомиллашиб бораётгани таҳлил қилинган. Фуқаровий фаолликнинг ошишида фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти юксалиб бормоқда. Қабул қилинган тараққиёт стратегияси бу борада амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар асосини ташкил этади. Унда инсон ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинлиги ҳимоя қилинадиган, унинг салоҳиятини юзага чиқариш учун қулай шарт-шароитлар таъминладиган кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш устувор йўналиш, деб белгиланган.

Хусусийлаштириш жараёни бозор турларининг ривожланишини таъминлаши билан бар вақтда, бозор иштирокчиларининг турли соҳаларга ихтисослашиб боришига, тадбиркорлар қатламининг қарор топишига олиб келди. Натижада, тадқиқотда бошқа мулк шакллари билан бирга, хусусий мулкдорлар синфининг вужудга келиши ҳам сиёсий модернизация жараёнида иқтисодий фуқаровий фаолликнинг шаклланиш ва ривожланиш омили экани очиб берилган.

Сиёсий модернизациянинг ҳал қилувчи омиллари фуқаровий фаоллик, ўзаро ишонч ва бирдамликнинг мавжудлиги ёки йўқлиги билан боғлиқдир. Қайси мамлакатда тўлақонли ижтимоий ҳаёт мавжуд бўлса, ўша ерда улар қўллаб-қувватланади. Шунингдек, демократик ислохотлар бой фуқаровийлик анъаналари шаклланган жамиятда кўпроқ муваффақият қозониши илмий асосланган.

Давлат фуқароларнинг турли эҳтиёжлари, қизиқишлари, манфаатларига хизмат қилиши, эркин мулоқот, фикрлар, баҳс-мунозаралар, давлат ва жамият ҳаётида фуқароларнинг фаоллиги фуқаролик жамияти доимо интилиб яшайдиган юксак даражадир. Ижтимоий-фалсафий ва юридик адабиётларда бундай юксакликка эришишда давлат ва жамият, фуқаролар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорлик ўта муҳим аҳамиятга эга. Бу эса Ўзбекистоннинг миллий демократик тараққиёт концепциясининг фундаментал аҳамиятга молик белги ва хусусияти экани илмий таҳлил этилган.

“Фуқаро — жамият—давлат” учлиги ўртасидаги мулоқот, ҳуқуқий мувозанат ва ўзаро тенглик барқарор фуқаролик жамиятининг пойдевори ҳисобланади.

Давлатнинг кучли институт бўлиб қолишини, иккинчи томондан эса, давлат органлари фаолиятини жамият мунтазам назорат қилиб, кузатиб, зарур ҳолларда ўзгаришлар киритиб боришини тақозо этади. Қонунга итоат этиш кундалик ва ижтимоий ҳаёт тарзига айланган тақдирдагина

демократик ҳуқуқий давлат қарор топган ва фуқаролик жамиятининг асоси сифатида ҳар бир кишининг эркин яшашини таъминлаган бўлади. Бунинг учун эса қабул қилинган қонунлар халқчил, замон ва жамият талабига мувофиқ бўлмоғи лозим. Бу эса бевосита фуқаролар талабига қулоқ солиш, ижтимоий турмушнинг реал ҳолатидан бохабарлик, халқ билан узвий мулоқотни тақозо этади.

Ҳозирги даврдаги ислоҳотлар тадрижи фуқаролардан кундалик ҳаётда ҳам фаол бўлишни, ўзгаришлар моҳиятини англаган ҳолда давлат ва жамият ишларида, ўз ҳаёти ва манфаати билан боғлиқ қарорлар қабул қилинишида қатнашишни талаб қилаётгани муаллиф томонидан исботлаб берилган.

Фуқаровий фаолликнинг ўзига хослиги шундаки, муҳим сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқаролар иштирокини таъминлайдиган институционал шаклларни ривожлантириш талаб этилади. Ўзбекистондаги сиёсий модернизация жараёнида фуқаровий фаолликнинг сиёсий жараёнларга таъсири сиёсий иштирок ва сиёсий муҳим қарорлар қабул қилишда фаол намоён бўлмоқда. Виртуал қабулхоналар, халқ қабулхоналари, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари муҳокамаси портали – regulation.gov.uz, жамоатчилик ташаббуслари ягона платформаси – meningfikrim.uz каби сиёсий муҳим қарорларни қабул қилиш жараёнларида фуқароларнинг иштирокини таъминлайдиган институционал шакллар жамоатчилик ташаббусларини илгари суриш имкониятлари сифатида баҳоланган.

Мамлакатда фуқаровий фаолликнинг институционал чегараларини янада кенгайтириш давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида воситачи бўла оладиган сиёсий жараёнлар акторлари сонини ошириш имконини беради.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш муаммоларига тааллуқли бир қатор ҳукумат даражасида қабул қилинган ҳужжатларда демократияга эришиш учун қонунда белгиланганидан ташқари, маҳаллий бошқарув органлари ва фуқаролик жамияти институтлари иштирокида ташкил этиладиган турли акциялар, лойиҳалар фуқаровий фаолликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар олиб борилиши лозимлиги таҳлил этилган.

Фуқаровий фаолликнинг характери ва динамикаси замонавий жамиятнинг сиёсий модернизацияси билан ҳам боғлиқдир. Модернизациянинг асосий тамойилларини амалга ошириш учун эса мобиль, коммуникатив, рақобатдош, юқори салоҳият ва имкониятга эга шахс талаб этилади. Бундай фуқаровий фаоллиги юқори шахслар – сиёсий тизимдаги ўзгаришлар ва янгиликларни тез илғай олади, Ўзбекистонда амалга оширилаётган жамият сиёсий модернизациясига ўзининг самарали таъсирини ўтказа олади. Жамиятда фуқаровий фаолликнинг кўрсаткичлари қанчалик юқори ва барқарор бўлса, фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ҳам шу даражада тез ва самарали кечади.

Ривожланаётган демократия модели фуқаролик маданияти доирасида

фуқаровий фаолликнинг шаклланиш механизми сифатидаги назариядан иборат. Айнан шу боис, таъкидлаш жоизки, демократиянинг ривожланаётган модели асосий қоидалари фуқаровий фаоллик ҳақидаги назариянинг негизида мужассам. Аслида, демократия нафақат давлат механизми, балки одамларни такомиллаштириш, уларнинг қобилиятларини ривожлантириш жараёни ҳамдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида демократиянинг илғор механизми сифатида жамоа бўлиб электрон мурожаат киритиш тартибини жорий этишни таклиф этган эди. Ана шу ғоя асосида яратилган “Mening fikrim” портали орқали Олий Мажлис палаталари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига электрон жамоавий мурожаат қилиш имконияти яратилган. Ҳар бир фуқаро ўзининг конституциявий ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда мамлакат қонунчилик тизимини ривожлантириш борасида ўз фикрини билдириши учун замонавий воситага эга бўлгани кўрсатиб берилган.

Замонавий ахборот жамиятида нафақат Интернет орқали ахборотдан фойдаланиш муаммоси, балки ҳар доим ҳам ишончли ва тўғри бўлмаган ахборотнинг катта оқимини қабул қилиш муаммоси долзарб, деган тасаввур уйғонади. Жамият ахборот соҳасида бойиб, билимлар соҳасида камбағал бўлиб қолаётгани хавотирга солади, бу эса жамиятда сиёсий қарорлар малакасиз экспертлар ва беҳабар инсонлар томонидан қабул қилинишига олиб келиши мумкин.

Жамият аҳамиятига оид масалалар билан шуғулланишдан бегоналик, бу одамлар апатия ҳолатида ва уларни давлат бошқаруви ва сиёсат масалалари мутлақо қизиқтирмайди, дегани эмас. Замонавий ахборот жамияти доирасида улар ўз интилиш ва хоҳишларини ифодалаш учун воситаларни улар учун давлат томонидан ўрнатиладиган чекловчи институтлардан ташқарида топиши мумкин.

Диссертант томонидан мамлакатимизда сиёсий модернизациялаш жараёнларида фуқаровий фаолликни ошириш борасида муайян механизмлар мавжудлиги тадқиқ этилган. Булар қуйидагилар:

фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари;

сўз эркинлиги ва оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги.

нодавлат ноижорат ташкилотларини ташкил қилиш ёки уларга уюшиш имкониятлари;

сиёсий партияларга аъзо бўлиш, сайлаш ва сайланиш имкониятлари жамоатчилик назорати;

мамлакатда фуқаролар учун ахборот-коммуникацион технологиялардан эркин фойдаланиш шарт-шароитлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ билан мулоқот” концепцияси.

Тадқиқотда Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнида фуқаровий фаолликни маҳаллий даражада ошириш масалаларига эътибор қаратилиб, фуқаровий фаолликни маҳалла даражасидан шаклланиб сиёсатга таъсир кўрсатиш даражасида ривожланиши таҳлил қилинган.

Фуқаровий фаолликнинг учта даражаси ажратиб кўрсатилган, шартли равишда улар географик қамрови жиҳатидан қишлоқ-маҳалла даражаси, шаҳар - туман даражаси, шаҳар - вилоят даражасига ажратилган.

Тадқиқот ишида Ўзбекистонда давлат бошқарувини модернизациялаш ва либераллаштириш жараёнида фуқаровий фаолликни оширишнинг учта асосий механизмига эътибор қаратилган.

Биринчи, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнларда фуқаровий фаолликнинг даражаларини илмий таснифлаш, даражаларини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар, таҳлилларни ўз ичига олган илмий-оммабоп чиқишлар ва кўрсатувларни кучайтириш (“ахборот макони”ни яратиш);

иккинчи, жамиятда замонавий фуқаровий маданиятни шакллантириш ва ижтимоий меъёрларни ҳимояловчи нодавлат институтларни кучайтириш;

учинчи, фуқаровий фаоллик учун “электрон майдон”ни кенгайтириш — фуқароларнинг ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш.

Айнан замонавий жамиятда кўпгина фуқароларнинг ўта бандлиги сабабли фуқаровий фаолликнинг янги воситалари пайдо бўлишига зарурат юзага келмоқда. Иш, оила, маиший ташвишларга ажратиладиган вақт кўпинча фуқароларга ўз фуқаролик позициясини намоён этишга имкон қолдирмаяпти. Бироқ бугун Интернет ёрдамида муқобил қарашларни кенг омма орасида осон ва тез тарқатиш мумкин. Интернет ҳар бир инсонга омма олдида чиқиш қилиш, ташаббус кўрсатиш ёки тарафдорга айланиш имконини беради. Айнан шу боисдан фуқаровий фаолликни амалга ошириш учун ахборот технологиялари имкониятларини кенгайтириш масаласи фуқаровий фаолликни оширишнинг замонавий механизмлари сифатида баҳоланган.

Сиёсий модернизация жараёнида фуқаро давлат ва жамиятнинг унга нисбатан масъулиятини англаб қолмасдан, ўз зиммасидаги масъулият ҳақида ҳам онгли равишда фикр юритиши талаб этилиши ва бу борада фуқаровий маданиятни ривожлантириш долзарб вазифалардан бири экани илмий асосланган.

ХУЛОСА

Фуқаровий фаолликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг замонавий хусусиятлари мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келинди:

1. Сиёсий модернизация жараёнида фуқаровий фаолликнинг

ривожланиши сиёсий иштирок даражасининг ошишига хизмат қилади.

2. Фуқаровий фаолликнинг сиёсий фаолликдан асосий фарқи шундаки, у ҳокимият учун кураш, ҳокимиятни сақлаб туришга йўналтирилмаган, фуқаровий фаоллик субъектлари сиёсий акторлари билан рақобатга киришмайди. Шундай бўлса-да, фуқаровий фаоллик сиёсатнинг ўта муҳим элементи ҳисобланади, у “бошқарувчилар ҳокимияти ва бошқарилаётганларнинг таъсири” нуқтаи назаридан жамият ва ҳокимият муносабатлари элементидир. Кўпгина ҳолларда фуқаровий фаоллик сиёсий фаолликнинг асоси, бошланғич фазаси бўлиб хизмат қилади. Ундан сиёсий фаолиятнинг мустақил субъектлари етишиб чиқади.

3. Фуқаровий фаоллик ҳам айнан, шахснинг ички дунёси, руҳияти, ҳис-туйғулари ва тафаккури билан боғлиқ. Фуқаровий фаоллик, аввало, инсон онгида шаклланади, руҳиятида мукаммаллашади ва унинг хатти-ҳаракатида намоён бўлади.

4. “Фуқаровий фаоллик” тушунчасининг моҳияти айнан эҳтиёжлар сари йўналиш, жамият манфаати учун фаолиятга киришишдир. Фуқаровий фаоллик – шахснинг онгу тафаккури, ахлоқи ва хатти-ҳаракати бирлигига асосланган, жамият манфаати йўлидаги онгли, мақсадли ва ташаббускор фаолиятдир.

5. Интернет технологиялари фуқаролик жамияти шаклланишининг механизмларидан бири, Интернет сиёсий ва фуқаровий фаолликни ҳокимият вакиллари билан алоқага киришиш сонини оширишга, сиёсий маълумотларни жамиятга очиқроқ бўлишига ва янги оммавий ахборотларни элита ва фуқаролар ўртасида қўллашнинг имкониятини яратмоқда.

6. Фуқаровий фаолликнинг замонавий кўринишлари инновацион тараққиётни жадаллаштирмоқда. Бугунги кунда шаҳарларнинг келажаги фуқароларнинг қўлига ўтмоқда, улар расмий ташкилотларнинг чақирувини кутиб ўтиришмайди. Фуқароларнинг фаоллиги оддий фуқаро, мижоз ёки буюртмачи сифатида шаҳарлаштиришга оид лойиҳаларида, уларнинг жойи, кўриниши ва қурилишида яққол намоён бўлмоқда.

7. Бугунги рақамли дунёда фуқаровий фаоллик миқёси ва салоҳияти ўтмишдан кескин фарқланади. Интернет тармоқларининг ўзи иерархик тизимдаги ташкилотларнинг кўплаб функцияларини бажармоқда.

8. Замонавий жамиятда кўпгина фуқароларнинг ўта бандлиги сабабли фуқаровий фаолликнинг янги воситалари пайдо бўлиш зарурати юзага келади. Иш, оила, сеvimли машғулотга ажратиладиган вақт кўпинча фуқароларга ўз фуқаролик позициясини намоён этишига имкон қолдирмайди. Бироқ бугун Интернет ёрдамида муқобил қарашларни кенг омма орасида осон ва тез тарқатиш мумкин. Интернет ҳар бир инсонга омма олдида чиқиш қилиш, фаол ёки тарафдорга айланиш имконини беради, айнан шу боисдан фуқаровий фаолликни амалга ошириш учун ахборот технологияларини кенгайтириш масаласи замонавий жамиятда долзарб бўлиб турибди.

9. Ўзбекистонда сиёсий модернизациялаш шароитида фуқаровий фаолликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий замини такомиллашмоқда. Мамлакатимизда фуқаровий фаолликнинг ошишида фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти юксалиб бормоқда. Бу борада амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар асосини тараққиёт стратегиямиз йўналишлари ташкил этади.

**НАУЧЕНый СОВЕТ DSc.29.08.2017.S.01.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

**АКАДЕМИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ ПРИ
ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ШОДИЕВ НУРАЛИ ОЧИЛОВИЧ

**СОВЕРШЕСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ УСИЛЕНИЯ
ГРАЖДАНСКОЙ АКТИВНОСТИ В ПРОЦЕССЕ ПОЛИТИЧЕСКОЙ
МОДЕРНИЗАЦИИ**

23.00.02 – Политические институты, процессы и технологии

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПОЛИТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.PhD/Siyos60

Диссертация выполнена в Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Национального университета Узбекистана (www.nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Жалилов Ақтам Ташназарович доктор политических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Жураев Нарзулла Касимович доктор политических наук, профессор Гойибназаров Шухрат Гойибназарович доктор политических наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский государственный экономический университет

Защита диссертации состоится “__” _____ 2020 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.29.08.2017.S.01.08 при Национальном университете Узбекистана. Адрес: 1000174 г. Ташкент, улица Университетская, дом 4. Здание факультета Социальных наук Национального университета Узбекистана, 5-этаж, 511 аудитория. Тел.: (71) 227-12-24; факс: (71) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № ____). Адрес: 1000174. г.Ташкент, улица Университетская, дом 4. Тел.: (71) 246-02-24; факс: (71) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан “__” _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки №__ от “__” _____ 2020 года)

Ш.И.Пахрутдинов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н.,
профессор

О.Р.Мусаев

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.н.
(DSc)

Б.Т.Туйчиев

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Успешность процессов демократизации в мире определяется высоким уровнем участием граждан в принятии жизненных решений и программ в жизни общества, в развитии инновационных инициатив, общественного контроля и градостроительства. В международной практике придается большое значение инициативам граждан в разработке и внедрении стратегий развития развитых стран. Поэтому в процессах модернизации повышается актуальности научных исследований, направленных на анализ влияния друг на друга государства и гражданского общества, определения оптимальных механизмов по взаимоотношениям данных субъектов, совершенствование их на основе современных требований.

В мире в процессе демократических реформ в рамках политических наук расширяются исследования, направленные на повышение ответственности граждан в обществе, определение механизмов их влияния на политические процессы, а также на усиление роли институтов гражданского общества в государственном управлении. Данные исследования служат решению проблем противоречий между демократическими институтами и государственной властью, присущих политической системе, оптимизации функции государственной власти с точки зрения обеспечения интересов граждан, развитию возможностей граждан в обществе влиять на правительство, объединяться в негосударственные институты, становиться членами политических партий.

В Узбекистане тоже проводились научные изыскания по политической модернизации, исследования по вопросам обеспечения активного участия граждан в политических процессах. Определены задачи «В странах в рамках мер по повышению активности граждан в демократических изменениях, в процессе политической модернизации совершенствовать механизмы повышения гражданской активности и расширения участия граждан в управления государственными и общественными делами, поддержки активности граждан»¹. В этом отношении в стране в процессах политической модернизации актуальными являются вопросы совершенствования механизмов повышения активности граждан.

Диссертация в определенной степени будет способствовать реализации задач, обозначенных в Указах и Постановлениях Президента РУз «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» УП-4947 от 17.02.2017 г., «О мерах по коренному повышению роли институтов гражданского общества в процессе демократического обновления страны» УП-5430 от 04.05.2018 г., «О дополнительных мерах по повышению эффективности общественного контроля за проводимыми реформами в социально-экономической сфере, а также активности граждан в

¹ Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по повышению эффективности общественного контроля за проводимыми реформами в социально-экономической сфере, а также активности граждан в осуществлении демократических преобразований в стране» 04.10.2019. <https://lex.uz/ru/docs/4538246>

осуществлении демократических преобразований в стране» ПП-4473 от 04.10.2019 г., «О мерах по поддержке деятельности центра развития гражданского общества» ПП-4501 от 30.10.2019 г. и других законодательных актах, имеющих отношение к теме.

Связь темы диссертации с приоритетными направлениями развития науки и технологий. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Пути осуществления и формирования системы инновационных идей в социальном правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии демократического государства и информационного общества».

Степень изученности проблемы. Хотя исследований, касающихся темы развития гражданского общества в модернизации общества, не проводилось, вопросы, касающиеся формирования и развития гражданского общества и правового демократического государства, освещены в произведениях таких ученых, как греческие философы Платон, Аристотель, Перикл, на Востоке - в произведениях Абу Насра Фараби, Абу Райхона Беруни, Юсуфа Хос Хожиба, Алишера Навои, на Западе эти вопросы были исследованы такими учеными, как Гегель, А. де Токвил, К. Маркс, М. Вебер, Р. Патнем (R. Putnam), Г. Алмонд, Д. Аптер, Р. Арон, Ш. Айзенштадт, С. Хантингтон.

Российские исследователи Л.М. Семенюк, М. Олсон, Д.В. Артюхович, М.С. Круглов, Е.А. Савельева в своих исследованиях изучили формирование и развитие гражданской активности и факторы ее влияния на политические процессы.

